

ҳисобининг стратегияси ва тактикасини танлашда професионал фикр бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солишнинг ривожланти-

риш ва янада такомиллаштириш учун ҳаракатлантирувчи куч сифатида қаралиши керак.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Егорова С.Е., Юданова Л.А. Профессиональное суждение бухгалтера и учет расходов будущих периодов / С.Е. Егорова, Л.А. Юданова // Современное состояние и перспективы развития бухгалтерского учета, экономического анализа и аудита: материалы международной научно-практической конференции/под научной редакцией Е.М. Сорокиной. – Иркутск, 2015. – С. 208–213.
2. Жук В., Грияевский С., Нагірска К. Стратегічне судження бухгалтера. Економічний часопис Волинського національного університету імені Лесі Українки. РОЗДІЛ II. Облік, аналіз, аудит та оподаткування. 4, 2021.
3. Шевелева, Е.А. Профессиональное суждение бухгалтера в условиях перехода к цифровой экономике / Е.А. Шевелева // Вестник ЮУрГУ. Серия «Экономика и менеджмент». – 2020. – Т. 14, № 2. – С. 129–136.
4. Пономарева С.В., Мироненко В.М. Механизм профессионального суждения в реализации принципов бухгалтерского учета. Экономика: проблемы, решения и перспективы. //Вестник университета. № 7-8, 2017.
5. Миславская Н.А. Профессиональное суждение: научный аспект. //Аудит и финансовый анализ. 1'2016.
6. Бодяко А. В. Консолидация плановой и отчетной информации для внутрикорпоративного контроля в предпринимательских структурах холдингового типа [Электронный ресурс] / А. В. Бодяко // Российский экономический интернет-журнал. – 2016. – № 3. – С. 4. – Режим доступа: <http://www.re-j.ru/archive/2016/3>; Горлов В.В. Теоретический анализ категориального аппарата управленческого учета [Электронный ресурс] / В. В. Горлов, Т. М. Рогуленко // Российский экономический интернет-журнал. – 2016. – № 4. – С. 50. – Режим доступа : <http://www.re-j.ru/archive/2016/4>



НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ходжиев Мехриддин Сулаймонович -
Тошкент молия институти
Аудит кафедраси доценти, PhD

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a14

Аннотация. Мақолада нодавлат нотижорат ташкилотларда (ННТ) аудиторлик текширувни ўтказишнинг ҳуқуқий асослари, аудитнинг мақсади, ННТ фаолиятини ташкил этишига қўйилган талаблар ва уларнинг таснифи, ННТларни молиялаштириш манбаларини текширишининг муаммолари жиҳатлари ёритилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда ННТлар сонининг динамик ўзгариши, соҳалар бўйича таҳлили, ННТда асосий фаолият билан боғлиқ операциялар аудитини ўтказиш тартиби ёритилган. Шунингдек, ННТ аудиторлик текширувни ташкил қилишининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда тегишили хуносалар шаклантирилган.

Бу эса, ўз навбатида, ННТлар асосий фаолияти учун берилган мақсадли тушумларнинг сарфланиш аудитини ўтказишни тақомиллаштириши ҳамда молиявий ҳисоботлар бўйича ҳаққоний аудиторлик хуносаси тузишга имконият яратади.

Калим сўзлар: нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ), ассоциация, жамоат фонди, тижорат ташкилоти, аудит, маъжбурий аудит, мақсадли тушум, грант, субсидия, хайр-эҳсон маблағлари, ҳисобот, молиявий ҳисобот.

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ОРГАНИЗАЦИИ АУДИТА В НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

Ходжиев Мехриддин Сулаймонович -
доцент кафедры «Аудит»
Ташкентского финансового института

Аннотация. В статье рассмотрены решения проблем правовые основы проведения аудита негосударственных некоммерческих организациях (ННО), цель аудита, требования к организации деятельности ННО и их классификации, а также аспекты проблем проверки источников финансирования ННО. На сегодняшний день освещены динамика изменения количества ННО в Узбекистане, анализ по отраслям, порядок проведения ревизионных операций, связанных с основной деятельностью ННО. Также в статье, были разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию правовой базы организации аудита ННО и сформированы соответствующие выводы.

Это, в свою очередь, дает возможность улучшить аудит расходования целевых доходов по основной деятельности ННО и составить достоверное аудиторское заключение по финансовой отчетности.

Ключевые слова: негосударственные некоммерческие организации (ННО), ассоциация, общественный фонд, коммерческая организация, аудит, обязательный аудит, целевой поступления, гранты, субсидия, пожертвования, отчёт, финансовый отчёт.

**LEGAL BASIS OF ORGANIZATION OF AUDIT IN NON-GOVERNMENTAL
NON-COMMERCIAL ORGANIZATIONS**

***Khojiev Mekhriddin Sulaymonovich -
is an associate professor of the "Audit" department
of the Tashkent Financial Institute***

Abstract. This article discusses solutions the legal basis of conducting an audit of non-state non-profit organizations (NSNPO), the purpose of the audit, the requirements for the organization of NSNPO activities and their classification, and the aspects of the problems of checking the sources of funding for NSNPOs. Today, the dynamic change of the number of NSNPOs in Uzbekistan, the analysis by sectors, the procedure for auditing operations related to the main activities of NSNPOs are covered. Also, suggestions and recommendations on improving the legal basis of organization of NSNPO audit were developed and relevant conclusions were formed.

This, in turn, makes it possible to improve the audit of spending targeted income on the main activities of NSNPOs and draw up a reliable audit report on financial statements.

Keywords: non-state non-profit organization (NSNPO), auditing, audit planning, civil contract, targeted receipts, subsidy, donations, report, financial report.

Кириш. Мамлакатимизда инсон хуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш ва уларни янада ривожлантириш давр талаби бўлиб бормоқда. Шу ўринда, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-куватлаш ҳамда хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш билан бирга нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) ва фуқаролик жамияти институтларининг молиявий фаолияти шаффофлигини таъминлашда мақсадли тушумлар назоратини ташкил этиш ҳамда уларнинг оқилона сарфланишини таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар ишлаб чиқишига эҳтиёж туғилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармонида Ўзбекистон Республикаси худудларида нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, экспертилар ва маҳалла фаолларидан иборат “Тараққиёт стратегияси”ни қўллаб-куватлаш жамоатчилик гуруҳларини ташкил этиш ва тизимли равишда жамоатчилик эшитувларини ўтказиш каби муҳим вазифалар белгиланган[5].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”сида таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини тақомиллаштириш мақсадида ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан суб-

сидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклларида қўллаб-куватлаш ҳажмини икки баробарга ошириш ҳамда Халқ депутатлари Кенгашлари хузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлаш жамоат фондларига ажратилаётган маблағлар ҳажмини етти баробарга ошириш[5] вазифалари белгиланган.

Бундай муҳим вазифаларни бажариш ва ижтимоий масалалар, аҳолининг фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, жамият тараққиётини давлат томонидан қўллаб-куватлаш учун иқтисодиётнинг учинчи сектори – нодавлат нотижорат ташкилотларда давлат томонидан асосий фаолият учун ажратилган субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклларидағи қўллаб-куватлаш маблағларини ҳисобга олиш ва улар сарфланишининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида ННТда аудиторлик текширувларини ташкил қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Илмий изланишлар натижасига кўра, ҳозирги кунга келиб, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий хуқуқларини ҳимоялаш соҳасида 3185 та, аёллар ва ёшлар муаммоларини ҳал қилиш соҳасида 1674 та, тадбиркорлик ривожлантириш соҳасида – 2 000 дан ортиқ, соғлиқни сақлаш ва экология масалалари соҳаларида 1269 та, спортни ривожлантириш соҳасида – 1200 дан ортиқ, имконияти чекланган шахсларни ижтимоий қўллаб-куватлаш соҳасида – 600 дан ортиқ, фан ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш соҳасида – 244 дан ортиқ, ОАВ ва бошқа турли ижтимоий соҳаларда 1800 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар ташкил этилганлигини кўришимиз мумкин (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда ННТ ташкил этилган соҳалар сони[21]

Адабиётлар шархи. Бугунги кунга қадар йирик тижорат компаниялари ва акциядорлик жамиятларида аудиторлик текширувларини ташкил этиш масалаларига норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва бир қатор иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида кенг эътибор қаратилган.

Хусусан, хорижий иқтисодчи олимлар Аренс Э.А., Адамс Р., Андерсон Х., Бенис М., Додж Р., Корренбаузер М., Кармайл Д.Р., Колдуэлл Д., Лоббек Дж., Фридман П., Робертсон Дж. Асарларида хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини ташкил этиш ва аудиторлик ҳисботларини тузиш услубиёти батафсил ёритилган [11, 12, 13].

МДҲ мамлакатларида нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудитни ташкил этишининг айрим методологик жиҳатлари Л.В. Егорова, Л.В.Гусарова каби олимлар асарларида умумий ёритилган [14].

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этишининг назарий ҳамда услубий жиҳатлари, шу жумладан йирик тижорат компаниялари ва акциядорлик жамиятларида аудиторлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда унинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича бир қатор олимлар тадқиқот ишлари олиб борганлар. Хусусан, профессор З.Т. Маматов “Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисбот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари” [15] мавзусидаги илмий асарида молиявий ҳисбот аудитининг вужудга келиши, молиявий ҳисботлар аудитини халқаро стандартлар асосида ўтказишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган бўлса, Р.Д. Дўсмуратовнинг “Ўзбекистонда аудиторлик

фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиётини такомиллаштириш” [16] номли илмий асарида хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик фаолиятининг концепцияси ишлаб чиқилганлиги, аудиторлик далиллари таснифланиши, аудитни якунлаш ва натижаларидан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар келтирилган, шунингдек, профессор И.Н.Кўзиевнинг “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш” [17] номли тадқиқот ишида агросаноат хўжаликларида аудит натижаларини умумлаштириш, аудиторлик ҳисботларини тузишнинг назарий асослари, аудиторлик ҳисботларини тузишда маълумотларни умумлаштиришнинг методологик асослари ўрганилган, шунингдек, Н.Ш.Хожимуратовнинг “Молиявий ҳисбот аудити методологиясини такомиллаштириш” [18] номли тадқиқот ишида ҳам молиявий ҳисбот аудитининг методологик муаммолари, уни аудитини режалаштириш ва ўтказиш жараёни ҳамда такомиллаштириш бўйича таклиф тавсиялар ишлаб чиқилган, аммо айнан нодавлат нотижорат ташкилотларида молиявий ҳисбот аудити текширувларини ташкил этиш ва унинг хуқуқий асосларига тўхталиб ўтилмаган.

Республикамизда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини молиялаштириш ва маблағлар назорати нисбатан кам ўрганилганлиги сабабли иқтисодчи олимлар илмий асарларида нодавлат нотижорат ташкилотлари аудитининг хусусиятлари етарли даражада ёритилмаган. Аммо, О.И.Неъматовнинг “Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш” мавзусидаги илмий ишларида ННТларда бухгалтерия ҳисоби ва

ҳисоботини такомиллаштириш ҳамда уларда аудитни ташкил этишнинг айрим масалалари қисман ёритилган.

Юқорида таъкидланган фикрлардан кўри-ниб турибдики, иктиносидчи олимларнинг фикрларига асосан йирик тижорат компаниялари ва акциядорлик жамиятлари ҳамда агросаноат хўжаликларида аудиторлик фаолиятини ташкил қилишнинг мақсади ҳамда текширувларни ўтказишнинг вазифалари ёритилган. Бироқ, нодавлат нотижорат ташкилотларида аудиторлик текширувларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга етарли дара-жада эътибор қаратилмаган.

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқотни амалга оширишда аудиторлик текширувларини ташкил этишда ННТда мақсадли тушумлар ва тижорат фаолиятидан олинган маблағлар сарфланиши аудити ҳамда текширув давомида таҳлилий амалларни бажариш, далиллар олиш борасидаги иктиносидчи олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иктиносий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда таклиф ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда аудиторлик фаолиятини ислоҳ қилиш жараёни-нинг асосий норматив ҳужжати 2021 йил 25 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги №677-сон қонуни билан тартибга солинади. Шунингдек, Қонун қабул қилингунга қадар аудиторлик текширувларини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон қарори қабул қилинган. Ушбу норматив ҳужжатларга мувофиқ 2019 йил 1 январдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар аудитнинг халқаро стандартлари асосида мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиш тартиби белгиланган[5].

Бунда нодавлат нотижорат ташкилотларида аудиторлик текширувларини ташкил этиш тартибига аоҳида тўхталиб ўтилмаган. Шу ўринда нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ҳам Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 31-моддасига мувофиқ аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувлари ва турдош хизматлари туридаги аудиторлик хизматларни кўрсатиши ҳамда бу тартиб аудиторлик ташкилоти ва аудиторлик хизматлари буюртмачиси сифатида ННТ ўртасида тузилган шартнома асосида кўрсатиши келтириб ўтилган[2].

Ўзбекистон Республикасининг “Аудитор-

лик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 32-моддасига мувофиқ ННТлар ҳам молиявий ҳисоботи ва у билан боғлиқ молиявий ахборотларнинг ишонччилигини ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқлигини аниқлаш мақсадида аудиторлик ташкилотлари томонидан профессионал турдош хизматлар кўрсатилиши мумкин. Бундан келиб чиқиб, ННТлар ҳам ихтиёрий, ҳам мажбурий аудиторлик текширувларидан ўтишга асос яратилган. Аммо, амалдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасига мувофиқ ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган ташкилотлар сифатида ННТларга алоҳида талаблар белгиланмаган. Ушбу мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиш талабларида ННТнинг асосий фаолиятига боғлиқ бюджетдан олинган мақсадли тушумлар (грантлар, субсидиялар, молиявий ёрдам маблағлари)дан фойдаланишнинг алоҳида кўрсаткичлари киритилишини таклиф қиласиз. Ваҳоланки, бу ҳолат Ўзбекистондаги аксарият ННТлар фаолияти бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг мақсадли маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши самарадорлигининг ошишига хизмат қиласиз.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ҳамда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий асоциацияси (ЎзННТМА) нинг таклифига кўра 2021 йил 1 марта бошлаб ҳар йили маҳаллий ННТларни ривожлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳаларни молиялаштириш учун Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига давлат бюджетидан субсидияларни ажратиб бориш вазифаси юклатилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим[7].

Юқорида гилардан келиб чиқиб, амалдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасига мувофиқ ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган ташкилотлар таснифини қайта кўриб чиқиши лозим деган фикрга келинди. Бунда ННТлар фаолияти давомида ҳисббот йили якунига кўра базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баравари миқдориди ва ундан ортиқ бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlар маблағларидан фойдаланган тақдирдагина мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши тавсия этилади (2-расм).

Бугунги кунда ННТни рўйхатга олган орган унинг фаолияти, уставда белгиланган мақсадлари ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқлигини назорат қили-

ши белгиланган (*Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги қонуннинг 21-моддаси 5-қисми*). Ўзбекистонда ННТларни давлат рўйхатидан ўтказиш адлия органлари томонидан амалга оширилади (*Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги қонуннинг 21-моддаси 1-қисми*) [3].

Норматив-хуқуқий хужжатга мувофиқ тасдиқланган алоҳида молиявий ҳисобот шакллари мавжуд эмас. Шу ўринда, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги қонун билан молиявий фаолияти назорат шаклларининг белгиланганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бунда ННТ ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади

ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органга, давлат солиқ хизмати органларига ва статистика органлари белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади. Шу ўринда, ННТлар молиявий ҳисоботларни тақдим этувчи органлари белгиланган шаклда ва аниқ вақтда тақдим этишлари керак [3]. Бундай вазиятда ННТ молиявий ҳисоботларни ҳар чоракда ҳисобот давридан (чорак) кейинги ойнинг 10 санасига қадар тақдим этишлари тавсия этилади.

Ўзбекистон амалиётида ННТнинг фаолияти Узбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунчилигини бузган тақдирда суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин [3].

Ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган ташкилотлар таснифи

- акциядорлик жамиятлари;
- банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;
- сугурта ташкилотлари;
- инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамловчи бошқа фондлар ҳамда уларда инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари;
- манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ажратмаларидан иборат хайрия, жамоат фондлари ва бошқа фондлар;
- устав фондида (устав капиталида) давлатга тегишли улушга эга хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат унитар корхоналари;
- фонд ва товар биржалари;
- ҳисобот йили якунига кўра базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баравари миқдоридан ортиқ бюджетдан маблағ олуви ННТлар;
- ҳисобот йили якунларига кўра қўйидаги шартлардан бир вақтнинг ўзида иккитасига жавоб берган тижорат ташкилотлари;
 - активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баравари миқдоридан ортиқ бўлса;
 - маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз минг баравари миқдоридан ортиқ бўлса;
 - ходимларининг ўртacha йиллик сони юз нафардан ортиқ бўлса;

2-расм. Ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган ташкилотлар таснифи

Манба: муаллиф илмий изланишлари асосида тузилди, 2023 й.

Агар аудиторлик текширувлари жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотнинг молияхўжалик фаолиятида хато ва камчиликлар аниқланиши натижасида фаолияти тўхтатиб қўйилса, унинг фаолиятини тўхтатиб туриш учун асос бўлган хуқуқбузарликлари белгиланган муддатда бартараф этилса, нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолиятини қайта тиклаши тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бинолар, иншоотлар, ер, транспорт, турар жойлар, ускуналар, инвентарлар, пул маблағлари, шу жумладан хорижий валютадаги пул маблағлари, қимматли қофозлар, ахборот ресурслари ва бошқа интелектуал фаолият натижалари ННТнинг мулки бўлиши мумкин. Бунда, аудиторлик текширувлари жараёнида ННТ фаолияти уставига зид бўлмаган ҳар қандай мулкий муносабатларни амалга ошириш хуқуқи мавжудлигига ҳамда ташкилот ўзининг мулкий мажбуриятлари учун қонунчиликда тегишли тартибда жавобгар эканлигини ўргани-

ши лозим.

Аудитор текширувларида ННТларини молиялаштириш ва уларнинг мулкини шакллантириш манбалари Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги қонунининг 29-моддасига асосан (Нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулкини шакллантириш манбалари) шакллантирилганлигини текшириш тавсия этилади.

Маълумки, “маблағларни шакллантириш” тушунчаси айнан уставда келтирилган вазифаларни бажариш харажатларига нисбатан жамғариш мақсадида маблағлардан фойдаланишни англатади. Шунинг учун аудитор ННТларда “маблағларни шакллантириш” тушунчасини очиб беришда қайси мулклар ва унинг қандай қисми мулкни шакллантиришга йўналтирилиши мумкинлигига аниқлик киритиб олиши лозим. ННТлар учун Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунининг 29-моддасида мулк манбалари келтирилган (3-расм).



3-расм. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг молиялаштириш манбалари

Манба: муаллиф илмий изланишлари асосида тузилди, 2023 й.

Шунингдек, аудиторлик текширувни ташкил этиш ва уни режалаштиришда давлат томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларига солиқ имтиёзларини тақдим этиш орқали устав фаолиятини молиялаштиришдаги зарурати, шунингдек, билвосита қўшимча маблағлар манбалари шакллантирилганлигини ҳам текшириш тавсия этилади.

Аудит жараёнида ННТлар учун солиқ имтиёзларининг аниқ қўлланилиши ва тўланиши Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида алоҳида кўрсатиб ўтилганлигига эътибор қартиш керак. Нодавлат нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ обьектлари ва даромадларини солиқقا тортишдан ташқари барча умумдавлат солиқ тўловлардан озод этилган[19].

ННТларнинг асосий фаолияти аудитни

ташкил этишда хорижий тажрибани ўрганган ҳолда мақсадли тушумлар ва тадбиркор фаолиятидан олинган даромадлар ҳаракатини ташки ва ички аудитдан ўтказиб туриш тавсия этилади[19]. Бу вазиятда ННТларнинг хусусиятларидан бири молиялаштириш манбалари ва мулк шаклланишининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ўз мақсад (миссия)ларини амалга ошириш учун қуйидаги йўллар орқали молиявий маблағлар шакллантирилганлигини текшириш тавсия этилади:

1) уставдаги асосий фаолияти учун мақсадли маблағлар олиш;

2) даромад келтирувчи тадбиркорлик фаолиятини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги қонунининг 31-моддасига мувофиқ нодавлат нотижорат

ташкилоти уставида белгиланган асосий фаолият вазифаларини бажариш мақсадида қўшимча тадбиркорлик фаолиятидан ҳам даромадлар олиши мумкин[3]. Бундай тадбиркорлик фаолияти ННТнинг устав мақсадларига мос келиши, мазкур фаолиятдан олинган даромадлардан барча зарур солиқлар тўлангандан кейин, таъсисчилар (муассислар, аъзо ва иштирокчилар) умумий йиғилиши (муҳокама баённомасида акс этади) розилиги билан ННТнинг уставдаги вазифаларини бажариш учун ишлатилиши лозим.

Тадқиқот ишимизда ННТларда айнан ташқи аудитни ташкил этишининг алоҳида хусусиятларига эътибор қаратишимиз лозим. Мазкур ҳо-

латда ташқи назорати мустақил профессионал аудиторлик ташкилотлари томонидан ҳаққоний ва холисона аудит текширувларини ўтказиш асосида олиб борилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг таъсисчилари ва ташкилот ўртасидаги мулкчилик муносабатларига кўра, шунингдек фаолиятнинг аниқ мақсади ва йўналишига қараб турли шаклларда ташкил этилиши мумкин. Мулкчилик шаклидан қатъий назар нодавлат нотижорат ташкилотлар уставидаги мақсади ва ўзаро боғлиқлиliga қараб қўйидаги тартибда ташкил этилиши мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Мулкчилик шакли ва мақсадига асосан мажбурий аудитдан ўтувчи ННТлар

№	ННТнинг ташкилий ҳукуқий шакли	Мажбурий аудитдан ўтишнинг шарти ва мақсади	ННТни ташкил этиш тартиби
1.	Ассоциациялар	Иштирокчиларнинг касбий фаолияти бўйича мулкий (моддий) ва бошқа эҳтиёжларини қондириш ҳамда ҳукуқларини ҳимоя қилиш	Фуқаролар ва юридик шахсларнинг аъзоликка асосланган ихтиёрий бирлашмаси ассоциация ҳисоблани, унинг аъзолари томонидан ўз мулкий (пай) бадаллари қўшиш билан ташкил этилади
2.	Жамоат ва диний ташкилотлар (бирлашмалар)	Маънавий(диний) ёки ўзга номоддий эҳтиёжларни қаноатлантириш	Фуқаролар ўз манфаатларининг умумбашарий муштараклиги ва уларнинг қизиқишилари асосида ихтиёрий бирлашма сифатида ташкил этилади
3.	Жамоат фондлари	Фуқаролар ва (ёки) юридик шахсларнинг хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали тадбирларни амалга ошириш.	Юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий мулкий бадалларини қўшиш асосида ташкил этилади
4.	Муассасалар	Бошқарув, ижтимоий-маданий вазифалар ёки бошқа нотижорат тадбирларни амалга ошириш учун	Мулқдорлари томонидан ташкил этилади ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб турилади
5.	Нотижорат нодавлат ҳамкорликлар	Ҳамкор аъзоларнинг бирлашуви асосида ННТ фаолият юзасидан ютуқларга эришиш	Юридик ва (ёки) жисмоний шахсларнинг аъзоликлари асосида тузилади
6.	Халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти	Таълим, соғликни саклаш, маданият, илм-фан, ҳуқуқ, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда бошқа ижтимоий хизмат соҳаларини ривожлантирища хизмат қўрсатиш	Юридик ва (ёки) жисмоний шахсларнинг ихтиёрий мулкий улушлари асосида тузилади
7.	Юридик шахс бирлашмалари (ассоциация ва уюшмалар)	Тижорат ташкилотлари ўз тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак мулкий манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш	Тижорат ташкилотлари ўзаро келишув асосида шартномалар тузиш йўли билан ташкил этилади.
8.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	Фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият юритиш	Маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек унинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ташаббусига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади

Манба: муаллиф илмий изланишлари асосида тузилди, 2023 й.

1-жадвал маълумотларини ўрганишга кўра, нодавлат нотижорат ташкилотлар нафакат мулкий шакли, балки бевосита фаолиятининг мақсади ва вазифалари ҳамда таъсисчиларнинг мулкка бўлган муносабатлари, шунингдек, уларнинг жавобгарлик даражаси ҳам ўзаро

боғлиқdir. Ташкилотда мулкларнинг (хусусий, ижарадаги, оператив бошқарувдаги) мавжудлиги ва мажбуриятлар бўйича жавобгарлик даражаси, ўз ўринда молиявий ва солиқ ҳисоби (асосий воситалар, моддий бойликлар, мажбуриятлар ҳисоби, солиқлар ва мажбурий тўловлар

бўйича ҳисоблашишлар ҳисоби) доирасида таъсир қиласи.

Агар нодавлат нотижорат ташкилоти тижорат фаолияти билан шуғулланмаса, демак, солик тўламаса, уларнинг солик интизомига риоя этишини текшириш моҳияттан тўғри эмас, шунингдек, давлат бюджетидан грантлар, субсидиялар ва мақсадли ёрдам маблағларидан фойдаланмаса, унда бошқа давлат бюджети маблағларини тақсимловчи ва назорат қилувчи ташкилотлар ННТлар молия-хўжалик фаолиятини текширмаслиги керак.

Аммо, ҳақиқатан ҳам ННТларда тижорат фаолияти мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, улар томонидан юридик ва жисмоний шахслардан олинган аъзолик бадаллари қонун ҳужжатларида белгиланган тартиба мақсадли сарфланиши ҳамда умумий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда хукуқ бузарликка йўл қўйилмаганлиги, ННТларининг мулки талон-тарож қилинмаганлиги каби масалалар -ННТ асосий фаолиятини ҳаққоний, шаффоф юритаётганлиги ҳар қандай давлат органлари ва ННТнинг юқори ташкилоти ҳамда таъсисчилари жамиятини қизиқтириши мумкин бўлган муҳим жиҳатлари тоифасига киради. ННТ фаолияти учун юқоридаги ҳолатлар ҳар қандай тижорат ташкилотлари сингари молиявий ҳисботлардаги маълумотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартиба олиб борилиши мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан холисона ташки аудит текширувиларининг ташкил қилинишига асос бўлади.

Шунингдек, ННТ аудит жараёнида аниқланган камчилик ва хукуқбузарликларни белгиланган муддатда бартараф этмаса, ушбу нодавлат нотижорат ташкилотининг юқори турувчи ташкилоти аудиторлик текшируви буюртмачиси сифатида, унинг фаолиятини тўхтатиб туриш тўғрисида судга илтимоснома киритиши ҳамда уни тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат этиши мумкин. Шу ўринда давлат томонидан ННТларнинг соликлар ва мажбурий тўловлар ҳисбланиши ҳамда тўланиши назорати амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат солик хизмати органлари томонидан амалга оширилади[4].

Мақсадли тушумлар таснифига кирувчи маблағлар (грант, субсидия ва б.б.) берувчи ташкилотлар ташки аудит учун аудиторлик текширувлари буюртмачиси бўлишлари ҳам мумкин. Мақсадли маблағлар берувчига тақдим этиладиган ҳисботлар тўплами тасдиқланган дастур режасига асосан, уни тасдиқловчи ҳужжатларни ўз ичига олган ҳолда тақдим этиши керк. Шунингдек, мақсадли маблағлар ННТларга ажратилиётган грант маблағларининг мақсадли сарфланишини назорат қилиш, масалан, грант бўйича сотиб олинган компьютер техникаси ҳақиқа-

тан ҳам мавжудлиги ва улардан мақсадли фойдаланилаётганлигини жойида инвентаризация қилиши ва ҳисобда акс эттирилганлигини текшириш хукуқига эга.

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, мол-мулкарни, шу жумладан хайрия-эҳсон маблағлари ни ННТга бераётган хўжалик юритувчи ташкилотлар (эҳсон қилувчи донор ташкилоти), ННТдан ушбу мол-мулк ва эҳсон маблағларидан мақсадли фойдаланилганлиги тўғрисида ҳисбот талаб қилиши тавсия этилади. Шу ўринда, асосий фаолияти хайрия-эҳсон ишлари билан боғлиқ ННТлар йиллик молиявий ҳисботлари га мақсадли тушумлар тўғрисидаги маълумотларни батафсилик киритиши тавсия этилади. Халқаро амалиётда хайрия-эҳсон ишлари билан боғлиқ ННТларнинг даромад ва харажатлари ҳажми, унинг таркиби, мол-мулки, ходимлар сони, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда кўнгиллиларни жалб этиш тўғрисидаги маълумотлар тижорат сири ҳисблланмайди.

Агар, ННТ Ўзбекистон Республикасиiga инсонпарварлик ёрдам кўрсатиш ва (ёки) қайтарилилмаслик шарти билан техника-жиҳозлари берилиши бўйича халқаро лойиҳаларда иштирок этса, у ҳолда ҳар чорақда гуманитар ёрдам ва техник ёрдам маблағларининг келиб тушганлиги, шунингдек, маблағлардан мақсадли фойдаланилганлиги тўғрисидаги умумлаштирилган ҳисботларини Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги "Ижтимоий ёрдам ва техник кўмак маблағларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаменти"га тақдим этиши шарт [8].

Хулоса ва таклифлар. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ажратмаларидан иборат хайрия, жамоат фондлари ва бошқа фондлари ҳар йили мажбурий аудитдан ўтказилади. Бундан ташқари, айрим маҳаллий ва кичик худудий ННТлар ўз фаолияти шаффофлигини таъминлаш мақсадида молиявий маблағлар ҳаракати, молия хўжалик опреацияларининг молиявий ҳисботларда тўғри ва ҳаққоний акс эттирганлигини текшириш учун ҳар йили мустақил аудиторлик ташкилотлари хизматларидан фойдаланиши мумкин.

Бунинг учун ННТлар асосий фаолиятини ташкил этишда ҳар йили мустақил аудиторлик ташкилотлари хизматларидан фойдаланишни қуйидагича акс эттириши лозим:

Таъсисчилар томонидан ННТнинг уставида молия-хўжалик фаолиятини ҳар йили аудиторлик текширувидан ўтказишни белгилаб кўйиши орқали ҳар йили якуни бўйича ташкилий-хукуқий шаклида қатъий назар барча ННТлар мажбурий аудитдан ўтказилиши таклиф қилинади.

ННТлар ҳар йили мажбурий аудитдан ўтказиш асосий фаолияти давомида ўзини-ўзи молиялаштириш ва қўшимча тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ операцияларни ҳисоб ҳамда молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттириш асосида солиқ тўловларининг ҳаққоний ҳисобланиши ва тўланишига имконият яратади.

Қонунчиликка мувофиқ ННТлар аудиторлик ташкилотлари хизматларидан фойдаланиш бўйича ўзаро муносабатлар шартнома асосида олиб борилади. Бу ҳолатда таъсисчилар томонидан ННТлар фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича шартномада аудит текширувларини ўз вақтида ва тўлиқ ўтказишидан ташқари, ННТ мулкига етказилган зарар ҳамда мақсадсиз сарфланган маблағларни қайtarish бўйича жавобгарликни ҳам шартнома шартларига киритиш тавсия қилинади. Масалан, ННТ фаолиятига етказилган зарар сифатида, солиқ органлари томонидан дастлабки текшириш билан боғлиқ даврда текширув натижалари бўйича ундирилган молиявий жарималарни келтириш мумкин. Бу кейинчалик аудит хизмати кўрсатган аудиторлик ташкилоти учун ННТ фаолиятига етказилган зарарни қоплаш

тўғрисида судга даъво қўзғатиши имконини беради.

ННТлар учун ташқи аудит текширувлари натижасида ижобий аудит хулосаларини олиши тижорат ташкилотлари фаолиятидан ҳам муҳимроқ ҳисобланади, чунки ННТлар фаолиятнинг шаффоғлиги ва нуфузининг ошиши, уларнинг асосий "капитали" бўлган янги грантлар ва субсидиялар, хайр-эҳсон маблағлари кўринишидаги "дивидендулар" кириб келишига замин яратади ҳамда молиявий мустақилликни оширади. Ташқи назорат натижалари ижобий бўлиши учун ички назоратнинг самарали тизими зарур.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти юзасидан мажбурий аудиторлик текширувларини ташкил қилишда молиялаштириш манбалари тўлиқ ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солингланлигини батафсил ўрганиш тавсия этилади. Бу эса мамлакатимизда ННТлар орқали эркин фуқаролик жамиятининг янада мустақамланиши учун ижтимоий жамоатчилик назоратнинг самарадорлигини ошириш ва мақсадли дастурлар ўз вақтида бажарилишига кенг имкониятлар яратади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонуни, ЎРҚ№677-сон, 2021 йил 25 февраль.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" қонуни, ЎРҚ№404-сон, 2016 йил 13 апрель.
3. Ўзбекистон Республикаси "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонуни, №763-1 сонли 14.04.1999.
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, 2019 йил 30 декабр. www.lex.uz
5. Ўзбекистон Республикасининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси", ПФ-60-сон, 2022 йил 28 январь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3946-сон қарори, 2018 йил 19 сентябр.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манбаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5012-сон қарори, 2021 йил 3 марта.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг "Ташқи беғараз қўмак маблағларини жалб этиши механизмларини ва донорлар билан ишилаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ВМҚ-786 қарори, 2021 йил 29 декабрь.
9. Hojijev M.S. "Accounting in non-state non-profit organizations (NSNPO): integrity and impactanalysis". International Journal of Economics, Commerce and Management. ISSN 23480386. Vol VI issue 2 (Impact Factor:4.313). 2018/page79-85 <http://ijecm.co.uk/wp-content/uploads/2018/02/626.pdf>. 2018.
10. Khojiev Mekhriddin Sulaymonovich. Improvement of Audit of Payment in Non-State Non-Profit Organizations (NSNPO). International Journal On Economics, Finance and Sustainable Development/Vol. 4 No.2 (2022): IJEFSD/[https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD /article/view/2710/2587/](https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/2710/2587)
11. Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. Пер. с англ. под ред. Я.В. Соколова. – М.: Финансы и статистика, 1995. -560с.;
12. Adams R. Основы аудита. Пер. с анг./под ред. Я.В. Соколова. – М.: ЮНИТИ, 1995.-398с.;
13. Робертсон Дж. Аудит. Пер. с анг. –М.: KPMG, Аудиторская фирма «Контакт», 1993. -286с.; Кармайкл Д.Р., Бенис М. Стандарты и нормы аудита. Пер. с анг. – М.: Аудит. ЮНИТИ, 1995.-527с.
14. Егорова Л.В. Учет и аудит в некоммерческих организациях: теория, методология и практика, автореферат докторской диссертации. –Ростов-на-Дону, 2008, стр.-4., Л.В. Гусаров, Концепция бухгалтерского учета, аудита и анализа в некоммерческих организациях . Монография. – Казань: Познание, 2009. - 264 с.
15. Маматов З.Т. Ҳўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишини такомиллаштириш масалалари: Иқтисод фан. док. дисс. авторефер. – Т.: БМА, 2005. - 406.
16. Дўсмуратов Р.Д. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиётини такомиллаштириш. иқтисод фан. док. дисс. авторефер. – Т.: БМА, 2008. - 346.
17. Қўзиев И.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш, иқтисодиёт фан. док. дисс. авторефер. – Тошкент: БМА, 2017. - 36 б.
18. Хожимуратов Н.Ш. Молиявий ҳисобот аудити методологиясини такомиллаштириш, иқтисодиёт фан. док. дисс. авторефер. – Т.: ТДИУ, 2021. - 36 б.
19. Ҳожиев М.С. Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган автореферат. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2019й. - 57 б.
20. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси.
21. <https://www.minjust.uz> сайти маъулотлари асосида муаллиф томонидан ишилаб чиқилди, 2023 й.